



**ОЛТИНСИМОН ҚОРАҒАТ КЎЧАТЛАРИ ИЛДИЗ ТИЗИМИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИГА ҚАЛАМЧАЛАР ҚАЛИНЛИГИ ВА ЭКИШ
СХЕМАЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

Ибрагимов Бобир Тохирович

*Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот
институтини таянч докторанти*

2023–2025-йилларда ўтказилган тадқиқотларда олтинсимон қорағат навлари кўчатларининг илдиз тизими ривожланиши, илдизларнинг узунлиги ва сони бўйича турли экиш схемалари ҳамда кўчат қалинлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган. Тадқиқотларда асосий эътибор кўчатларнинг бирламчи, иккиламчи, учламчи ва ён илдизларининг ривожланиш даражаси, жами илдиз узунлиги ва илдизлар сони кўрсаткичларига қаратилган. Шу билан бирга, назорат вариантлари билан таққослаш орқали ҳар бир параметрнинг нисбий самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларига кўра 70×10 см назорат вариантда экилган кўчатлар қалинлиги 7-8 мм да олиб борилган бўлиб бирламчи илдиз 120,0 см иккиламчи илдиз 230,0 см учламчи илдиз 44,0 см ён илдизлар эса 112 см етканлиги қайт этилди. Жами илдизлар узунлиги 506,0 см етган назоратдаги илдизлар 97,8 см ва илдизлар сони эса бирламчи 5 дона иккиламчи илдизлар 38 донани ташкил қилиб учламчи илдизлар 9 дона ва ён илдизлар 14 дона ва жами илдизлар сони эса 66 донаг етканлиги аниқланди. Бунга кўра назорат вариантда 94,3 % гача ташкил қилди.

Натижаларга кўра 60×10 см экилган кўчатлар қалинлиги 3–4 мм дан 9–10 мм гача бўлган гуруҳларга ажратилган. 3–4 мм қалинликдаги кўчатларда бирламчи илдиз узунлиги 104,7 см, иккиламчи илдиз узунлиги 151,7 см, учламчи илдиз 54,2 см ва ён илдизларнинг узунлиги 109 см бўлиб, жами илдиз узунлиги 418,9 см га етган. Илдизлар сони бирламчи 4,3 дона, иккиламчи 35 дона, учламчи 15,7 дона ва ён илдиз 13,7 дона ташкил этиб, жами 68,7 дона бўлиб, назоратга нисбатан 98,1% ни ташкил қилган. Шундай қилиб, 3–4 мм қалинликдаги кўчатларда илдиз тизими яхши ривожланган, бироқ кўрсаткичлар ўртача натижага яқин бўлган.

Экиш схемаси 60×10 см 5–6 мм қалинликдаги кўчатларда жами илдиз узунлиги 435,5 см га етган ва илдизлар сони жами 66,0 дона бўлиб, назоратга нисбатан 94,3% ташкил қилган. Ушбу гуруҳда бирламчи илдизлар 5,0 дона, иккиламчи 37 дона, учламчи ва ён илдизлар 12 дона атрофида бўлган. Бу

**Volume: 3 Issue: 2**

натижалар кўрсатадики, 5–6 мм қалинликдаги кўчатларда илдиз тизими янада барқарор ва ривожланган. Қалинлик 7–8 мм бўлган кўчатларда жами илдиз узунлиги 430 см, илдизлар сони эса 60,5 дона бўлиб, назоратга нисбатан 86,4% ни ташкил қилган. Шу билан бирга, 9–10 мм қалинликдаги кўчатларда жами илдиз узунлиги 431 см, илдизлар сони 56,2 дона бўлган ва назоратга нисбатан 80,3% ни ташкил қилган. Бу натижалар шуни кўрсатадики, кўчат қалинлиги ортиши билан бирламчи ва иккиламчи илдизларнинг ривожланиш самарадорлиги пасаяди.

Иккинчи экиш схемаси 60×15 см бўлган, ушбу схемада 3–4 мм қалинликдаги кўчатларда жами илдиз узунлиги 485,7 см, илдизлар сони 73,7 дона ва назоратга нисбатан 105,3% ни ташкил қилган. Бу эса кўрсатадики, ушбу экиш схемаси ва кўчат қалинлиги илдиз тизимини оптимал ривожлантиришга имкон беради. 5–6 мм қалинликдаги кўчатларда жами илдиз узунлиги 497 см, илдизлар сони 65,0 дона ва назоратга нисбатан 92,9% бўлган. 7–8 мм қалинликдаги кўчатларда жами илдиз узунлиги 459 см, илдизлар сони 60,0 дона, назоратга нисбатан 85,7% бўлган. Шу билан бирга, 9–10 мм қалинликдаги кўчатларда жами илдиз узунлиги 465,7 см, илдизлар сони 64,0 дона ва назоратга нисбатан 91,4% ташкил қилган. Ушбу натижалар шуни кўрсатадики, 60×15 см экиш схемаси кўчатларнинг илдиз тизими ривожланишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики 70×10 см экиш схемасида 3–4 мм қалинликдаги кўчатларда жами илдиз узунлиги 517,2 см ва илдизлар сони 70,0 дона бўлиб, бу қиймат 100% сифатида белгиланган. Шу билан бирга, 5–6 мм қалинликдаги кўчатларда жами илдиз узунлиги 570 см ва илдизлар сони 73,7 дона бўлиб, назоратга нисбатан 107,3% ни ташкил қилган. 9–10 мм қалинликдаги кўчатларда жами илдиз узунлиги мос равишда 499 см, илдизлар сони эса 62,3 дона бўлиб, назоратга нисбатан 89,0% ни ташкил қилган. Бу натижалар шуни кўрсатадики, назорат гуруҳида илдиз тизими умумий жиҳатдан барқарор ривожланган, лекин кўчат қалинлиги ошгани сайин бирламчи ва иккиламчи илдизларнинг ривожланиш самарадорлиги бироз камаяди.

Ушбу экиш схемада 70×15 см бўлган жойлашадиган вариантимида 3–4 мм қалинликдаги кўчатларда жами илдиз узунлиги 473 см ва илдизлар сони 59,0 дона бўлиб, назоратга нисбатан 84,3% ни ташкил қилган. 5–6 мм қалинликдаги кўчатларда жами илдиз узунлиги 530,6 см, илдизлар сони 75,0



Volume: 3 Issue: 2

дона, назоратга нисбатан 105,1% бўлган. 7–8 мм ва 9–10 мм қалинликдаги кўчатларда жами илдиз узунлиги 489 см ва 466,5 см, илдизлар сони 65,0 ва 63,0 дона бўлиб, назоратга нисбатан 92,9% ва 90,0% ни ташкил қилган. Шу билан бирга, 70×15 см экиш схемаси кўчатларнинг илдиз тизими ривожланишида энг юқори самарадорликни 5–6 мм қалинликдаги кўчатларда намоён қилган.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалар асосида айтиш мумкинки, олтинсимон қорағат кўчатларини етиштиришда ўсиш динамикасининг юқори бўлиши экиш схемаси ва қаламча қалинлигини тўғри танлаш билан бевосита боғлиқдир. Айниқса, 70x10 см экиш схемаси ва 5–6 мм қалинликдаги қаламчалар оптимал вариант ҳисобланиб, улар сифатли ва бозорбоп кўчатлар олиш учун энг мақбул шароитни яратади. Бу натижалар келгусида олтинсимон қорағат кўчатзорларини ташкил этишда илмий асосланган агротехнологияни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев Р.М., Қосимов А.А. Promising Varieties of Golden Currantcultivated In The Condition Of Uzbekistan // European Journal of Agricultural and Rural Education (EJARE). – 2 No. 12, December 2021. ISSN: 2660-5643 – С. 112–120.
2. Абдуллаев Р.М., Қосимов А.А. Олтинсимон қорағат навларининг меваларини биокимёвий таркибини ўрганиш // Тошкент давлат аграр унверситети. Тошкент. – 2020. – С. 380–383.
3. Вестник Алтайского государственного аграрного университета 2014. –№ 4 (114).
4. Гнусенкова Е.А Биологические особенности и ресурсная оценка Ribes aurtum Pursh в Приуралье / Е.А. Гнусенкова // Оренбург: Изд-во ОГАУ, – 2003. – 56 с.
5. Калинин Ф.Л., Мережинский Ю.Г. Регуляторы роста растений: биохимия, механизм действия и применение. – Киев: Наукова думка, 2002. – 115 с.